Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
3 УЧ ЙИЛЛИК ҚАРЗ уч ойда узилди
4 ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 ноябр, жума № 172 (1389)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МАҲСУЛОТ - ЭКСПОРТГА

Хатирчи туманидаги «Хатирчи пахта тозалаш» акционерлик жамияти янги ҳосилдан олинган пахта толасини чет элга экспорт қила бошлади. Дастлабки минг тонна тола Бельгиянинг «Луис Дрейфус» фирмасига сотилди.

Пахта мавсумига пухта ҳозирлик кўрган корхонада қисқа вақт ичида 5 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили қайта ишланди. Туман хўжаликларидан шу кунгача 25 минг тонна пахта йиғиштириб олинди. Акционерлик жамияти мавсумда қарийб 40 минг тонна пахта қабул қилишни режалаштирган.

Айни пайтда корхона жамоаси Италиянинг «Индутек» фирмасига жўнатиш учун 450 тонна тола тайёрлаб қўйди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда фаол қатнашсинлар.

2. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика даражасида Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раиси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жўқорғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.

Болалар спорт иншоотларининг моддий базасини қуриш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан масъулият шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган биттадан етакчи мутахассислар штати киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилмаси, унинг чекланган ходимлари сони 18 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси ва минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом маъқуллансин.

Белгилансинки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини, шунингдек хорижий шериклар маблағларини жалб этишни таъминлаш;

болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни, шунингдек болалар спорт иншоотлари лойиҳаларининг намунавий, илмий асосланган негизда ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғармага унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Жамғарма томонидан тўпланган маблағлардан мақсадли /йўналишлар бўйича/ ва қонуний равишда фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш, Жамғарма ижро этувчи директорининг ва унинг тузилмаларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш;

Жамғарманинг таъсис конференциясини ўтказишда, уни ноҳукумат халқаро ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда ва унинг тузилмалари раҳбарларини тасдиқлашда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма дирекцияси билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Жамғарма, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Даварxитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемасини 2003 йил 1 январгача ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этсин, бунда уларнинг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, шунингдек замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозланишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» қўмитаси кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ болаларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлигига эҳтиёжини, шунингдек болалар спорт комплексларининг санитария-гигиена ва маиший шароитларига қўйиладиган юксак талабларни ҳисобга олувчи болалар спорт комплексларининг базавий намунавий лойиҳалари тендер асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

Жамғарма болалар спорт комплекслари базавий намунавий лойиҳаларининг буюртмачиси этиб белгилансин, бош лойиҳалаштириш ташкилоти функциялари «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг «ЎзЛИТТИ» акциядорлик жамиятига юклансин.

Белгилансинки, экспертизадан ўтмаган ва «Даварxитектқурилиш» қўмитаси билан келишилмаган болалар спорт комплексларини қуриш қатъий тақиқланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Жамғарманинг минтақавий филиалларини жойлаштириш, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун мебель ва зарур техника, алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи дирекциясини жойлаштириш учун бир ой муддатда бино ажратсин.

9. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси шартнома асосида Жамғарма дирекциясини хизмат автотранспорти билан таъминласин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эса Жамғарма буюртманомасига кўра Жамғарма марказий аппаратини ва унинг минтақавий филиалларини зарур алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситалари билан жиҳозласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 октябр

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистонга Европа Иттифоқи мамлакатларидан кўплаб нуфузли делегациялар келган. Лекин шу чоққача молия вазири ташриф буюрмаган эди. Шу кунларда мамлакатимизда Белгия Қироллиги молия вазири Дидье Рейндерс меҳмон бўлиб турибди. У Европа Иттифоқи Молия вазирлари кенгашига раислик қилган пайтда нақд евро муомалага киритилган эди. Шу жиҳатдан Европанинг молиявий ва расмий доираларида Д.Рейндерснинг алоҳида нуфузи бор.

31 октябр куни меҳмонни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

- Ушбу ташрифингиз Белгияда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш истаги кучли эканлигидан далолатдир, - деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. - Ўзбекистон учун ҳам Европа Иттифоқининг аъзоси бўлмиш Белгия билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш устувор масалалардан ҳисобланади.

Белгия молия вазири ўз давлатининг Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига молиявий кўмаклашиш мақсадида имтиёзли кредитлар ва грантлар ажратиш, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бошқа ижтимоий дастурларнинг ижросида қатнашиш ниятини билдирди.

Таъкидламоқ жоизки, икки мамлакат ўртасида шу чоққача сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланган. Маълумотларга кўра, ҳозир яна 3 ҳужжат тайёрланмоқда. Белгия молия вазирининг ташрифи асносида эса божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутиляпти.

Ўзбекистон-Белгия муносабатлари фан, таълим, маданият, банк иши каби қатор соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йили Флоренцияда (Италия) имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим айниқса Белгияда фаоллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади.

Иқтисодий алоқалар хусусида ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 79,9, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 31,8 миллион АҚШ долларини ташкил этганини айтиш мумкин. Юртимизда ўндан ортиқ Ўзбекистон-Белгия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Пойтахт Тошкент билан 1989 йили биродарлашган Кортрейк шаҳри ўртасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланяпти. 2000 йили Белгиянинг бу шаҳрида Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Белгия муносабатларининг бугунги аҳволи муҳокама қилинар экан, истиқболда ҳамкорлик қирраларини янада кенгайтириш ва равнақ топтириш масалалари юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

## ЗАМИН МЕҲРИ

Ўктамдаги қатъийлик Абдурасул акага маъқул тушган бўлса-да, кўнглининг бир чеккаси хижил эди. Ташлаб қўйилган ерни боласи тушмагур эплай олармикан, деган ҳадик унга сира тинчлик бермасди...

«Одам феълида қусур бўлиши мумкин. Аммо ердан айб ахтариш нодонликдир» Бобосининг бу ўгити Ўктамнинг хаёлида жонланарди. У ўз фермер хўжалиги учун майдонни айни одамлар ташлаб қочган ердан танлади. Баъзилар Ўктамни бу йўлдан қайтаришга ундаб ҳам кўрди. Деҳқончиликка қулай майдонлар бўла туриб, ўйдим-чуқур, боз устига оқар сув чиқаришнинг ҳеч бир имконияти йўқ. Қир-тепаликда ниҳол ундириш жоннинг эгови-ку, дегувчилар ҳам топилди. Аммо қарори қатъий йигит ўз сўзидан қайтмади. Қийналса-да, ўт-ўландан тозаланган далага тракторни гуриллатиб ҳайдаб кирди. Шудгорлашга киришди. Ағдарилган ердан палахса-палахса кесак кўчарди. Этикда трактор кетидан эргашиб юрган Абдурасул ака дам ўтмай тупроқни кафтига олар, нималар дея тўнғиллаб қўярди. Отаси ҳаракатларидан ҳадикка тушган Ўктам ортга ўгирилиб қарашга ботинмасдан фақат газни босарди. Бирдан ёнбошидан шувиллаб ўтган кесакдан ҳушёр тортди. Ортига назар ташласа, Абдурасул ака бери кел, дегандек имо қилаяпти.

— Тупроғидан умид қилса бўлади. Фақат ишловга зўр бериш керак, — деди у бир кафт тупроқни Ўктамга тутқазиб. — Аввал жилдиратиб бир сув қўйиб олиш керак. Сўнгра ҳайдасанг кесак кўчмайди.

Шу йили кузу қиш Ўктам ҳам, оға-инилари ҳам тиним билишмади. Баъзилардек изғиринли кунларни танча атрофида ўтказиш ўрнига сув кечиб, ер доғини ювди. Экишга тайёрлади. Қудратли сув насоси топиб келишиб, ариқ бошига ўрнатишди. Чигитни ҳам ҳаммадан биринчи бўлиб ерга қададилар. Ишловда фурсатни бой бермасликка интилишди. Ғўза айни сувга эҳтиёж сезаётган бир чоғда электр токида узилиш содир бўлиб қолди. Фарзандларининг қўли юмушдан бўшамаётганлигини кўрган Абдурасул ака бу юмушни ўз бўйнига олди. Елиб-югурди. Раҳбарларга вазиятни тушунтирди. Хуллас,ток берилишига эришди.

Кузда Ўктам Назаров бош бўлган

**Лавҳа**

«Ҳумо» фермер хўжалиги нафақат Мирзаобод туманида биринчи бўлиб йиллик режани уддалади. Ҳар гектар ҳисобига 24 центнердан пахта берди. Кейинги беш йилда хосиятли қуш номига муносиб иш қилишга бел боғлаган тадбиркорлар довруғи довон ошди. Ҳатто кўпгина мутахассислар ҳам ер банитети даражаси паст майдонни эвига солаётган мулкдорларга тан беришди. Қисқа фурсатларда ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнерга кўтарилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

— Абдурасул ака хонадонига ҳамма ҳавас қилади, — дейди ҳамқишлоғи Ёрқинбой Қудратов. — Ўн ўғилнинг ҳаммаси меҳнаткаш. Томорқасини ҳам, даласини ҳам гулдек безайди.

Хонадон шиори меҳнат қилиб, ҳалол пул топишдан, эл-юртга кўпроқ манфаат келтиришдан иборат. Фермер хўжалиги қошида аралаш моллар дўкончаси очишган. Мақсад, ҳамқишлоқларига савдо хизмати кўрсатиш. Ҳамма жабҳалардан келадиган даромаднинг аксарияти ер самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Иш юритишда ўзига хос услублари бор. Ишчи манфаати муқаддас, иш ҳақини ўз муддатида тўлаб боришга одатланишган. Пахтами, ғаллачиликдами мавсумда иштирок этувчиларга кунлик тўлов жорий этилган. Шу боис 30-40 нафар теримчи бир ҳафтадаёқ ҳосилни саранжомлаб берди. Қарийб ярим миллион сўм маблағ теримчиларга қўшимча ҳақ сифатида тарқатилди. Йиллик режани биринчилардан бўлиб уддалашди. Гектарлар ҳосилдорлиги 30 центнердан ошди. Яна 10 тоннага яқин пахта териб олиш имкони бор. Чунки ғиж-ғиж кўсак бодроқдек очилиб келаяпти...

Отаси Абдурасул ака 35 йил давомида пахтага сув қўйди. Нафақага чиққач ҳам тиниб ўтиргани йўқ. Далага келиб болалар бажараётган юмушларни кўздан кечиради. Кўнгли тўлмаса қўлига кетмонни тутиб ишга киришади. Оталари феълини билган фарзандлар барча юмушларни бекаму-кўст бажаришга интилишади. Аммо қариянинг ўткир нигоҳи барибир нуқсон топади.

Ўктам пахта қабул қилиш саройидан хушхабар билан қайтган куни Абдурасул ака катта қўчқорни думалатди. Ахир йил ўн икки ой қилган меҳнатлари рўёбга чиқиб, юзлари ёруғ бўлди-да. Энди давраларда кўкрак кериб ўтиришига асос бор. Биринчилик масъулияти, бахти ҳам ўзгача.

Ҳар тонг қайноқ меҳнат қучоғига ўзини урувчи Назаровлар оиласи бугун ҳам тиниб ўтиргани йўқ. Совуқ тушгунча ниш урган ғалла майсасини амал олдириш даркор. Ахир ғалла ҳам, пахта ҳам деҳқон кафтидаги тупроқда унади-да.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БОЖХОНАЧИЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) шафеълигида ўтказилган халқаро конференция ниҳоясига етди. Буюк ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашига бағишланган ушбу анжуманда ўттизга яқин мамлакатнинг божхона идоралари ва қатор йирик халқаро ташкилотлар делегациялари иштирок этди.

XXI аср бошига келиб жаҳон ҳамжамияти террор аталмиш офатнинг томирини қирқиш билан жиддий шуғулланаётган, унинг молиявий манбаларидан бири ҳисобланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашаётган бир пайтда, мазкур тадбир алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, гиёҳванд моддалар саломатлик ва соғлом насл кушандаси эканлиги ҳам маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида жаҳон божхоначиларининг эътибори айнан ана шу жиҳатга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Анжуман ниҳоясида Буюк ипак йўли бўйида жойлашган давлатлар божхона идораларининг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги амалий ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган Декларация қабул қилинди. Тошкент декларацияси деб аталаётган мазкур ҳужжатда жаҳон божхоначиларининг ўзаро тезкор ахборот алмашишини янги поғонага кўтариш, назорат постларини энг замонавий ускуна ва мосламалар билан жиҳозлашда техникавий ҳамкорлик қилиш, кинология марказларининг фаолиятини кучайтириш, билим ва тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш ҳақида сўз боради.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ФЕРМЕРГА ҲАМКОРЛАР КЕРАК

*Муаммо, мулоҳаза*

Хўжаликнинг чорвачилик фермаси акционерлик жамиятига айлантирилгач, очиғи, ишлар орқага кетди. Аввало, озуқа экинлари учун ер ажратилмаганлиги панд берди. Бунинг оқибатида моллар бош сони камайиб кетди. Шунинг учун жонкуяр инсон Акром Тугалов акционерлик жамияти тақдирини ўз қўлига олишга жазм этди. Шундай қилиб Ургут туманида «Амрилло» фермер хўжалиги вужудга келди.

— Иш орқага кетган сайин моллар сони камайиб, бинолар, техника воситалари ярoқсиз ҳолга кела бошлаганди. Бунинг одини олиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш мақсадида фермер хўжалигини ташкил қилдик. Туман ҳокими таклифимизни маъқуллади ва амалий ёрдам берди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари А.Тугалов. — Биринчи йилдаёқ барча шартномавий мажбуриятларни бажардик. Олинган даромад ҳисобидан техника воситаларини қайта тикладик. Моллар сонини кўпайтирдик, зотини яхшиладик. «Пахта Банк»дан олинган кредитдан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни барқарор изга солишга эришдик.

Мазкур фермер хўжалигининг 15 нафар доимий ишчиси бор. Бундан ташқари, кўплаб одамлар шартнома асосида мавсумий ишлашади. Бу ерда гўшт, сут, ғалла, тамаки, кунгабоқар, озуқа экинлари етиштирилади, 100 бош қорамол парваришланади. Ишни янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин. Бунинг учун эса, фермер Акром Тугаловнинг фикрича, айрим масалаларни ҳал этиш керак.

— Туманимизда, биринчидан, сутни қайта ишлайдиган корхона йўқлиги бизга қийинчилик туғдирмоқда, — дейди у, — иккинчидан, «Яшил олтин» фирмаси бултур топширган тамаки маҳсулотимиз учун ҳанузгача пул тўлаб бергани йўқ. Учинчидан, техникалар учун эҳтиёт қисм излаб кўп вақт йўқотаяпмиз. Бизнингча, фермерлар билан ҳамкорлик қиладиган қайта ишлаш, сервис ва таъминот хизмати тармоқларини ҳам ривожлантириш керак. Шунда ишимиз янада яхши бўлади, иқтисодимиз мустаҳкамланади.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

### Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳуқуқий бўлими мудири Абдулла АЛИМУҲАМЕДОВ жавоб беради

# МЕҲНАТГА ОИД ИШЛАР СУДДА КЎРИЛГАНИДА

**Савол: 1. Меҳнатга доир ишлар судларда кўрилганида суд харажатларидан озод этилади, деб эшитдим, шу тўғрими?**

**2. Ишга қабул қилишда қандай ҳужжатлар талаб этилади, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА, Тошкент тумани.**

**Жавоб:** 1. Тўғри, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 277-моддасига биноан ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида улар суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар.

2. Меҳнат Кодексининг 80-моддасига биноан ишга қабул қилиш вақтида ишга тушаётган шахс паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни; ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома ҳамда меҳнат дафтарчасини тақдим қилади. Биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани, ҳарбий хизматга мажбурлар ёки ҳарбий хизматга чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани, қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

**Савол: амалдаги Меҳнат қонунлари асосида ҳар доим ҳам ходимни ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати белгиланадими? Шу ҳақда батафсил тушунтириш берсангиз.**

**Рустам САМАНДАРОВ, Урганч тумани.**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 84-моддасига биноан ходимни ишга қабул қилишда дастлабки синов шарти қуйидаги ҳолларда, яъни:

- ходимнинг, унга топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш ҳамда меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттириши мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши муносабати билан меҳнат шартномаси дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин.

Дастлабки синов ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган ҳолда эса ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш чоғида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов муддати белгиланмайди.

Шунингдек, амалдаги Меҳнат қонунларига биноан дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозимки, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Шунингдек, дастлабки синов даври меҳнат стажига киритилади.

Бундан ташқари, дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, меҳнат шартномасининг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга фақат умумий асосларда йўл қўйилади.

**Савол: амалдаги қонунларимизга биноан меҳнат ҳақини натура шаклида тўлашга йўл қўйиладими? Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ҳақида ҳам аниқ маълумот берсангиз.**

**А.ЮНУСОВА, Марғилон шаҳри.**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Ойлик маош қонун ҳужжатларида белгиланган ойлик иш ҳақининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Ойлик маошнинг энг кўп миқдори эса бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари эса тегишли муассаса ёки ташкилотларнинг жамоа шартномаси ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилиши лозим. Меҳнат Кодексининг 161-моддасига биноан ходимларнинг ойлик маоши ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши ҳам мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Меҳнат Кодексининг 153-моддасига тегишли тартибда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, унга меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.



Республикамизда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳақида кенг ташвиқот ишларини олиб бориш айни кунларда кенг аҳамият касб этмоқда. Бу борада пойтахтимизнинг Ҳамза туманида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: «Авиасозлар» очиқ акционерлик жамияти солиқ таянч пунктининг гуруҳ раҳбари Султонмурод Эгамбердиев (ўртада) инспекторлардан Шавкат Турсунқулов ва Илёс Турсунхўжаевлар билан биргаликда солиқчилик борасидаги қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ва уларни тарғибот қилиш борасидаги навбатдаги вазифалар ҳақида фикрлашмоқда.

**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.**

## ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

*Вазирлар Маҳкамаси қарори қандай бажариляпти?*

# МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИДА

***«Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги ўзининг кутилган натижаларини бера бошлади. Зотан фуқароларнинг фаоллигини ошириш жойларда тинчлик ва осойишталикни сақлашда асосий омиллардан бири бўлмоқда.***

Маҳаллалар ҳудудида жиноятчилик, ҳуқубузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларда профилактика инспекторлари фаолияти кўнгилдагидек самаралар бермоқда. Жумладан, маҳаллалардаги тўй маросимлари, байрам тадбирлари уларнинг назорати остида ўтказилаётганлиги боис баъзи бир нохуш ҳолатлар келиб чиқишининг олди олинмоқда. Содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлил этилиб, зарур чоралар кўриляпти. Аҳоли вакилларининг Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси (ХООБ)га келиб турган миннатдорчилик хатлари фикримиз далилидир.

— Миннатдорчилик мактублари ходимларимиз фаолиятига кўтаринкилик бахш этмоқда, - дейди ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М.Уролов. — Ходимларимиз ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндошиб, халқнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани ХООБИнинг профилактика инспекторлари томонидан олиб борилаётган ишларга назар ташланса, у ерда жуда кўп самарали ишлар қилинаётганлигини кўришингиз мумкин.

Ишлаб чиқилган режага кўра ҳар ҳафтада битта маҳаллада инспекторларимиз олиб бораётган ишлар ҳисоботи эшитиб борилади, - дейди М.Улуғбек тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси профилактика инспекторлари бўлими бошлиғи, милиция майори Одилжон Опиров. — Туманимизда хотин-қизлар қўмиталари, яраштирув комиссиялари, маҳалла жамғармалари билан биргаликда бундай тадбирлар тез-тез уюштириб турилади. Учрашувларда асосан маҳаллалардаги ёшлар ва қариялар ҳаётига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишда инспекторларга бевосита кўмакдош бўлаётган ибратли, энг фаол, жамоатчи қарияларимизни рағбатлантириш учун коммунал тўловлардан озод қилиш бўйича туман ҳокимиятига йилнинг шу давригача 75 та тақдимнома киритганмиз.

Шунингдек, қарияларимизнинг тинч, осуда ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида, уларга имкон даражасида моддий ва маънавий кўмаклашилаяпти. Турар жойларда, умуман маҳаллаларда содир бўлаётган жиноий хатти-ҳаракатлар қонун доирасида тезда кўриб чиқилиб, чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳар бир ҳолат маҳаллада профилактика инспектори томонидан умумий мажлис ўтказиб, муҳокама қилинади.

Шу ўринда Фирдавсий маҳалласи профилактика инспектори милиция капитани Н.Шукуров, А.Темур маҳалласи инспектори милиция катта лейтенанти Д.Пирназаровлар олиб бораётган ишларга алоҳида тўхталиш ўринли.

— Халқимизнинг осуда ҳаёт кечиришида беминнат хизматларини аямаётган милиция ходимларимиз ҳақида қанча гапирсак шунча кам. Сабаби уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчилик ҳолатлари анча камайган, - дейди Яккасарой туман, Бобур маҳалласи оқсоқоли Шермат ота Одилов.

— Инспекторларимизнинг маҳалла аҳли билан ҳамкорликда иш олиб бораётганликлари биз учун ҳар томонлама енгиллик туғдирмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида содир этилаётган кўнгилсиз ҳолатлар камайди. Буларнинг барчаси маҳалламизга биркитилган профилактика инспекторлари-милиция лейтенанти Ғ.Исроилов ва лейтенант М.Илюшкинларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошаётганликларидандир, - дейди Анастасия Вялова, — Ғайратжон ва Максимни ўз фарзандимдай яхши кўраман. Сабаби улар деярли кунора келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Нимаики камчилигим бўлса сўраб, дарров муҳайё қилишади. Баъзан мазам бўлмай қолган пайтлари Ғайратжон машинасида поликлиникага олиб бориб келади.

274-милиция таянч пункти профилактика инспектори милиция майори Собиржон Эшонхонов сингари инспекторларимиз борки, уларнинг хизматлари туфайли бугун маҳаллаларимиз тинч.

Маҳаллада жамоат тартибини сақлашга катта эътибор қаратилган. Ўсмирлар ўртасида жиноятлар содир этилмаслиги, ишсиз ёшларнинг бирор касб танлашида туман аҳолини ишга жойлаштириш бўлими билан бамаслаҳат иш олиб борилади. Буларни амалга оширишда туман прокуратураси ходимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, гиёҳвандликка қарши курашиш, ёшларимизни жиноят йўлига кириб кетишларининг олдини олиш, бекор юриб, ҳар хил қонунбузарликларга қўл урмасликлари учун маҳаллада фаолият кўрсатаётган педагог -тарбиячи билан ҳамкорликда ишлаш ҳам яхши натижа бермоқда.

Ҳа, инсон улуғ, унинг қадр-қиммати унданда улуғ. Ҳамюртларимизнинг хизматида камарбаста бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**К. ҲУСАНОВ, Тошкент шаҳар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори милиция майори**

*Огоҳу ҳушёр бўлайлик*

# МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, «Ўзбекистоннинг XXI асрда қандай ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан фарзандларимизнинг қандай киши бўлиб етишишларига боғлиқ. Шундай экан, айтиш мумкинки, бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай кечикишлар, ҳар қандай хатолар келажакка қаратилган зарбадир».

Беруний тумани ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Бектемир Ўразбоев навбатдаги йиғилишни очар экан Юртбошимизнинг юқоридаги сўзларини анжуман қатнашчиларига ўқиб берди.

— Ёшлар тарбиясида лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди, — деди у комиссия аъзоларига қарата. — Бунинг учун ота-оналар қаторида ҳар бир ташкилот ва муассаса раҳбари ҳам масъулдир.

Ёшлар онгига умуминсоний қадриятларни сингдириш, уларни одобахлоқли, юртга муҳаббат, миллий ғурур, ватанпарвар, дўстлик ғоялари руҳида тарбиялашда вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, касаба уюшмалари Маънавият ва маърифат маркази, халқ таълими бўлими, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ибратли ишларни амалга ошираяпти. Ўсмир йигит-қизлар ўртасида жиноятчилик хатти-ҳаракатлари кескин камайди. Йилнинг ўтган ойларида 12 та ҳуқуқбузарлик ишлари кўриб чиқилиб, ёшлар билан тарбиявий тадбирлар олиб борилаяпти. Комиссия ҳисобида турган вояга етмаган ёшлар 14 нафарни ташкил этади.

Тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда жамғармалар, маҳалла қўмиталари, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган «Сиз қонунни биласизми?», «Балли, қизлар», «Инсон одоби билан», «Диққат, пиёда» каби кўрик-танлов ва учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди. «Ёш ўлкашунослар ва сайёҳлар» маркази ташаббуси билан Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига, туманда жойлашган қадимий манзилгоҳлар Тупроққалъа, Қизилтепа каби ёдгорликларга саёҳатлар уюштирилди.

Ёшларни жисмоний соғлом қилиб вояга етказиш мақсадида 16 та маҳалла ва 11 та овул фуқаролар йиғинлари ўртасида футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, миллий кураш, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Туман марказий ўйингоҳида Султон Увайс бобо зиёратгоҳини ободонлаштириш ниятида Олий Мажлис депутати, халқ артисти Муяссар Раззоқова ташаббуси билан ўтказилган хайрия концертида туманнинг ёш раққосалари ҳам фаол қатнашдилар.

— Ақл ёшдан, обод бошдан, — дейди вояга етмаган ёшлар комиссияси раиси, ҳоким ўринбосари Бектемир Ўразбоев. — Амалдаги қонунларимизда ёшлар тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунинг учун ҳам биз ўқув юртларига ота-оналарни таклиф этиб, уларни фарзандларининг ўқиши ва одоби билан таништириб боряпмиз.

Яқинда Амир Темур маҳалласи ва Саркоп овулида ана шундай тадбир ўтказилди. Бундай ибратли ишларни амалга оширишда халқ таълими бўлими мудири Э.Ҳасанов, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси котиби М.Камолова, ички ишлар бўлими вояга етмаганлар инспекцияси нозири Г.Қобулова,«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви раиси Ж.Яқубова, гиёҳвандликка қарши курашиш комиссияси мутахассиси Ж.Садуовлар фаоллик кўрсатишяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

# БИР МАКТАБДАГИ

***Пайариқ туман судининг қарори мактаб педагогика кенгашида ўз шахслари С.Суннатова ва А.Ҳимматовлар томонидан ҳақоратланганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига шикоят хати ёзган ўқитувчилар Дилором Примова, Ҳидоят Сартоева ҳамда Абдиғани Холмуродовларни ҳангу-манг қилиб қўйган бўлса, суд залига гувоҳ тариқасида келган Жумабой Юзбоев, Бувзайда Хайруллаева, Музаффар Болматовни гангитиб қўйди.***

Шундай қилиб, гувоҳлар ҳам асоссиз шикоятлар билан мактабда носоғлом муҳитни юзага келтиргани, мактаб жамоаси ва ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги учун жазо олишди. Суд А.Холмуродовни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 21-моддаси билан огоҳлантирди ва уларга нисбатан тегишли чора кўриш ҳақида туман ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритди. Маъмурий ишнинг қарши даъво аризаларида уларни 1997 йилдан бери асоссиз шикоятбозлик билан шуғулланаётганликда айблаган Сабоҳат Суннатова ва Амриддин Ҳимматовларга тегишли қисмида ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмаганлиги учун ҳаракатдан тўхтатилди.

Кўп ўтмай шу йилнинг 13 майида туман ҳокими ва туман ХТБ мудири шахсан иштирок этган йиғилишда улар билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида якдил тўхтамга келинди. Қизиғи шундаки, ўша куни 270-рақамли буйруққа мактаб директори эмас, вақтинчалик мактаб директори (аслида мактаб директори ўринбосари) Ҳ.Камолов имзо чекди. Биринчидан, вақтинчалик мактаб директори деб буйруқ чиқарилишининг ўзи кишини ажаблантиради. Чунки, бундай буйруқ одатда кўп ҳолларда раҳбар ўрни бўшаб, ўрнига одам тайинлаш бирон сабаб билан чўзилиб кетган ҳолларда чиқарилади. Иккинчидан, мактаб раҳбари, Меҳнат қонунида иш берувчи ҳисобланган М.Норқуловнинг таътилдан ишга қайтишини нега кутишмади ёки шунчалик зарур экан, ишга чақириб олишмади. Йиғилишда айбдорлар Холмуродов, Примова, Юзбоев, Болматов, Хайруллаева, Сартоевалар қатнашишмади, ҳатто бунинг сабаби ҳам суриштирилмади. Ҳолбуки, ишдан ҳайдалган 13 май куни Юзбоев ва Хайруллаеваларга касаллик варақаси ёзилган. Буям ҳолва, кейинчалик мазкур йиғилишда меҳнат шартномалари бекор қилинган собиқ жамоа аъзолари билан тузилган шартноманинг ўзи йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Суд қарорида мактабнинг бичиш-тикиш бўйича тўгарак раҳбари деб тилга олинган Ҳидоят Сартоева туман ХТБ мудирининг 2001 йил 2 ноябрдаги, мактаб директорининг 14 ноябрдаги буйруғига асосан кўп йиллик кутубхоначилик фаолиятидан ўрта маълумотли бўлгани учун 0,5 ставка бичиш-тикиш бўйича тўгарак раҳбарлигига ўтказилган эди. Бироқ, орадан кўп ўтмай у шуғулланаётган тўгарак дарс тақсимотида йўқлиги, ноқонунийлиги аниқланиб, мактаб директори М.Норқуловнинг шу йил 14 мартдаги янги 253-рақамли буйруғи билан ўзи билмаган ҳолда 0,5 ставка фаррошлик вазифасига ўтказилган. Қойил! Мактаб директори ҳар бир буйруғига ХТБ мудири буйруғини асос қилиб олаверган. Беихтиёр сиз чиқараётган буйруқ ортида инсон тақдири, унинг қадр-қиммати, қувонч ва ташвишлари ётибди-ку, дегингиз келади. Қаёқда, бу буйруқбозларни сираям ташвишлантирмайди. Демак, суд қарори чиққан 25 март куни Ҳидоят Сартоева бичиш-тикиш гуруҳи раҳбарлигидан ҳам четлаштирилган бўлган. Унда суд қарорида 270-буйруқда Ҳидоят Сартоева билан тузилган қайси шартномани бекор қилиш назарда тутилди экан?! Кутубхоначиликми, бичиш-тикиш гуруҳ раҳбарлиги ёки фаррошлик вазифасиданми? Айтгандай, шуларнинг биронтаси учун шартнома бормикан ўзи?

Қоғоз жонивор ҳамма нарсани кўтараверади. Унга қорани оқ, оқни қора ҳам деб ёзиш мумкин. Жорий йилнинг 13 феврал куни мактаб педагогик кенгашида бўлган можаро учун Ҳ.Сартоева уч марта, қолганлар икки-уч мартадан жазоланишди. Шу йилнинг 13 февралида бўлиб ўтган касаба уюшма қўмитаси йиғилиши қарорига эътибор беринг: «16. Йиғилишда тўртинчи масала – илмий бўлим мудирлигига номзод тайинланаётган пайтда ўқитувчилардан М.Болматов, Д.Примова, А.Холмуродов, Ж.Юзбоев, Ҳ.Сартоева, Б.Хайруллаевалар жанжал кўтариб, жамоа ва раҳбар ходимларни менсимасдан йиғилишни ташлаб кетганлиги учун» уларга ҳайфсан эълон қилинган ва қарор нусхаси судга тақдим этилган. Орадан 12 кун ўтиб ўтказилган мактаб касаба уюшмаси йиғилиши қарорида улар асоссиз шикоят ёзавермасликка чақирилган. Шу йилнинг 30 мартида бўлиб ўтган мактаб педагогик кенгаши йиғилишида эса А.Ҳимматов ва С.Суннатоваларнинг шикояти асосида Д.Примова, А.Холмуродов, Ж.Юзбоев, М.Болматовлар фаолияти қайта «элак»дан ўтказилган, ҳатто мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси Ж.Юзбоевни асоссиз шикоятбозлик билан шуғулланиб, суд ва тафтиш баҳонасида меҳнат шартномасини бузганлиги учун Меҳнат Кодексининг 181-модда 2-бандига асосан меҳнат ҳақидан давлат фойдасига 30 фоиз жарима ундириш ҳақида қарор қилинган.

М.Норқулов раислигида ўтган мазкур йиғилиш қарорида олти кишини обдон эзғилашдан ҳузур қилганларидан бўлса керак, 19-бандда мамлакатимиз қонун-қоидаларини назар-писанд қилмай, ўқувчилар томонидан териб мактабга келтирилган ва номаълум сабабларга кўра қабул масканларига топширилмай қолган пахтани «Мактаб мулки» деб эълон қилишган ва «касаба уюшма фондига» ўтказишган. Энди бунисига нима дейсиз?!

Мактабда кўпдан ҳукм сураётган носоғлом муҳитдан нафақат туман ХТБдагилар, балки туман ҳокимлигидагилар ҳам яхшигина хабардор. Бугунги кунда 40 дан ошиқ киши ишлаётган жамоанинг қарийб ярмини ўрта махсус маълумотлилар ташкил қили-

*Кичик ва ўрта бизнес*

# «ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАМАН»

1997 йил Тошкент шаҳрида ўқувчи кийимлари тақдимоти кўрик конкурси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси Одина Отахонова тиккан ўқувчилар кийими (мактаб формаси) ҳакамларга манзур бўлди ва у бу кўрикда ғолиб деб топилиб, Республикамиз Президентининг совғаси, 4 та замонавий тикув машинаси билан тақдирланди.



Ҳаммаси ана шундан бошланди. Унинг юраги тубида ётган орзуларни наҳотки амалга ошса? Аслида тикувчиликка бўлган қизиқиш Одинада жуда эрта уйғонди. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзи мустақил равишда аёллар кўйлагини тика бошлаган. Бу касбга муҳаббат унга онаси Анорхон аядан ўтган бўлса ажабмас.

Мактабни битириб, 1991 йили Бўз педагогика билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида ҳам тикувчиликни ташламади, янги бичимдаги либослар моделларини яратди. Ўқишни тамомлагач, Шаҳрихон тумани Сарой қишлоғидаги 29-ўрта мактабга бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишга келди. У мактабда таълим бериш билан чекланиб қолмай, ўқувчиларга чеварлик сирларини ҳам ўргата бошлади.

Одина ўзини тадбиркорлик соҳасида ҳам синаб кўришга аҳд қилди. Натижада 1997 йил декабр ойида туман ҳокимининг қарори билан «Одина» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ташкил топди. Фирманинг очилиши қишлоқда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қандолатчилик цехи ва «Гўзаллик» салонини ташкил қилинишига олиб келди.

Кечагина пахта териб, пилла қурти боқиб юрган, қишлоқ аёллари тикув дастгоҳларини бошқара бошлади. Корхонада ҳозирги кунда 90 нафардан зиёд қишлоқ аёллари иш билан таъминланган. Бандлик бўлими билан тузилган шартномага асосан 1999 йил давомида 30 нафар хотин-қиз фирма томонидан ташкил қилинган ўқув курсларида таҳсил олиб, ишга қабул қилиндилар. Ишчиларнинг ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилмоқда. Бундан ташқари улар ҳайрия сифатида Шаҳрихон касб-ҳунар коллежига ўқувчилар формасининг 300 минг сўмлигини бепул тарқатдилар. Қисқа вақт ичида корхона маҳсулотлари ўзининг рақобатдошлиги ва бежиримлиги билан харидорлар диққатини тортди. Шу боис бугунги кунда фирма маҳсулотлари республикамизнинг турли ҳудудларида, яъни Қарши ва Қўқон шаҳарлари, Хоразм ҳамда қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилояти бозорларида сотилмоқда. «Амурез индустрисс» қўшма корхонаси томонидан 6 миллион 300 минг сўмлик тайёр кийимларнинг сотиб олиниши ҳам фирмада тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини кўрсатиб турибди.

«Экспресс» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 10 миллион сўмлик ишчи кийимлари ва трикотаж маҳсулотлари Россия Федерациясига экспорт қилиш учун тайёрланмоқда.

Фирма республика миқиёсида ўтаётган кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Масалан, у «Тўй либослари» кўрик-танлови вилоят босқичида биринчи ўриннни, республикада эса фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ва ниҳоят, республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган ўқувчи кийимлари тендер танловида ғолиб деб топилди ва 46 миллион сўмлик буюртма олди.

Андижонга ташриф буюрган Италиянинг «Техита» компанияси раҳбари жаноб Треппо фирма маҳсулотлари сифатига юқори баҳо берди ва Тошкент шаҳрида ўтказилган «Экспо—Италия—99» кўргазмасига таклиф қилди. Унда «Техита» компанияси билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Корхона раҳбари О.Отахонова Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси учун 1999 йилда вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Одинанинг келажакдаги орзулари ҳам бисёр. Хусусан, у замонавий технологиялар асосида энг янги ва сифатли либосларни яратиб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан жаҳон бозорларини забт этмоқчи.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Иш билганга минг танга*

# УЧ ЙИЛЛИК ҚАРЗ

## уч ойда узилди

***Шунга ҳам тўрт ой бўлиб қолди. Лекин Бозор ака ўша кунни то ҳануз энтикиш билан эслайди, ҳойнаҳой тўрт йилдан кейин ҳам ёдидан чиқмаса керак.***

***Астойдил меҳнат қилишган эди, ғалла ҳам шунга яраша бўлди. «Нормурод» оилавий пудрат аъзолари даладаги ярим ҳосил ўриб бўлинмай шартнома режасини бажарганликларини эшитиб, раис Маматқул Исмоилов касаба уюшма етакчиси Фахриддин Остонақулов билан етиб келганда, тележка уланган КамАЗ энди катта йўлга чиқаётган эди.***

Раис ҳайдовчига ишора қилиб, машинани тўхтатди. Сўнг Бозор ака Алимовга юзланиб, қўлларини маҳкам қисди.

– Табриклайман, - деди у, - «Лайлаган» қишлоғи довруғини бутун Шерободга ёядиган бўлдингиз.

Шошиб қолган Бозор ака қандай жавоб қилишни билмагандек ўғли Нормуродга, бир куёви Ўролга қаради. Улар ҳам ўзларида йўқ қувониб туришарди.

– Гап бундай, - деди раис сўзини давом эттириб, - биз касабақўм билан кенгашиб, бир қарорга келдик. Биламан, хўжалик сизларнинг олдингизда уятли – иш ҳақларингизни анчадан буён беролмаётир. Энди бунга чек қўймоқчимиз.

Ўша куни Бозор аканинг ҳовлисига оз эмас, кўп эмас – 10 тонна буғдой тушди. Олти фарзанднинг гоҳ эркалигию гоҳ инжиқлигидан бўлак рўшноликни билмаган София опа ўзида йўқ севиниб кетди.

– «Нормурод» оилавий пудрат аъзолари бундай илтифотга тўла ҳақли эдилар, - дейди касабақўм раиси Фахриддин Остонақулов.– Режада белгиланган 40 центнер ўрнига гектаридан 70 центнердан ғалла етиштириб, аслида уларнинг ўзи-ўзларини шундай мукофотга сазовор қилдилар.

Дарҳақиқат, 2002 йил Улаш Туропов номли ширкат хўжалиги аъзолари учун қозон ҳам мой, чўмич ҳам мойга тўладиган йил бўлди. 6400 тонна ғалла олинди. Ҳосилдорлик ўртача қирқ центнерни ташкил этди. Одамларнинг қўли пул кўрди. Уч йил муқаддам санацияга тушиб, фақат иш ҳақининг ўзидан 48 миллион 124 минг сўм қарзга ботган хўжалик битта экин турининг ўзидан келган фойдадан оёққа туриб олди, уч йиллик қарз уч ойда узилди.

Бу албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Раис касаба уюшмасининг таъсир кучига умид боғлаб, янглишмади. Хўжалик аъзоларининг кайфияти билан, орзу-умидлари билан қизиқди. Таҳлил қилиб кўришсаки, қолоқликнинг асл сабаби меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлигида экан. Дарҳол тартиб ўрнатишга киришилди. Кимларнингдир «ихтиёри»га ўтиб, деярли эгасиз ҳолга келган техникаларни бир жойга тўплаб, жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Мана икки йилки МТПдан трактор олинмайди. Фақат ўрим-йиғим пайтида «Кейс» сўралди. Қарабсизки, миллион-миллион сўм пул тежалиб, ҳосил чўғи аввало хўжалик аъзолари кўнглини исита бошлади.

– Хирмонда дон, киссада пул бўлса бошқарув ҳам осон бўлиб қолар экан, - дейди кулиб касабақўм раиси. – Турли саналар сабаб ўтказиладиган тадбирларимизга ўз-ўзидан файз кириб, одамларимиз меҳр-оқибатлироқ бўлиб қолгандек.

Илгари хўжалик аъзолари иш ҳақини ололмаётганликларидан нолиб гапиришса, эндиликда суҳбат мавзуси уй қуриш, тўй қилиш каби хайрли юмушлар теграсида айланадиган бўлиб қолди. Рост-да, кам таъминланган оилалалар ярим тоннагача буғдой олган, ногиронлар ҳолидан хабар олиб турилган, болалар эса ёзни «Бешбулоқ» оромгоҳида мазза қилиб ўтказган бўлса, яна нимадан сўз очишсин!

Отахонлар Панжи Бердиназаров, Араб Остонақулов, Эргаш Жўраев, Бозорбобо Бобоқуловлар ким кўринганга касаба уюшма кўмагида турли сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтганларини айтишади. Сўз-сўзга уланиб Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига қилганлари беш кунлик саёҳат иштирокчиларининг ҳикоялари бошланади.

Беихтиёр техника устахонаси ҳовлисининг бир чеккасига қўйилган стол, телефон ва тахта ўриндиқдан иборат мувақкат «идора»да хўжалик раисини учратганимиз кўз ўнгимиздан ўтади. Маматқул ака миттигина электрон тарозида пахта чаноқларини тортиб ўтирарди.

– Японларники, - деганди у тарозига ишора қилиб. — Миллиграммгача ўлчаш мумкин.

Бир чаноқ «Бухоро-6» навли пахтанинг маъёрдаги 6 ўрнига 8,5 грамм чиққани, чигити 5грамм, толаси эса 3,5 грамм тош босганини кўрамиз. «Термиз-31» ва «Ат-Термизий» ўрта навли пахта чаноқлари ҳам мўлжалдагидан бўлиқ етилганлиги маълум бўлади.

– Худо баракасини берсин, - дея қариялардан бири дуога қўл очади.

Бошқалар ҳам самимият билан унга қўшилишади.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Хабарлар оқимидан*

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Риштон йигирув-тўқув фабрикаси акционерлик жамияти негизида Ўзбекистон-Австрия-АҚШ ҳамкорлигида янги қўшма корхона ташкил этилди.

Янги корхонага 900 минг АҚШ доллари миқдоридаги ускуналар ўрнатилди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 1 минг 650 тонна юқори сифатли йигирилган ип ва 8 миллион 600 минг метр хом сурп ишлаб чиқарилади.

Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми мамлакатимиз енгил саноат тармоқларига, қолгани эса хорижга экспорт қилинади. Янги корхона тумандаги мингдан ортиқ ёшларни иш ўрни билан таъминлайди.

## ТИЛ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти хорижий тиллар кафедрасида «Чет тилини ўрганиш маркази» ташкил этилди.

Бу ерда хорижий тилларни ўрганиш истагидаги талабалар, профессор-ўқитувчилар муайян имтиёзлар асосида, корхона, муассаса, ташкилот ходимлари, тадбиркорлар эса шартнома бўйича таълим олиб, ўз малакасини оширади. Марказда бир вақтнинг ўзида компьютер ва интернет тизимидан ҳам сабоқ берилади.

- Марказимизда инглиз, немис, француз, рус тилларини ўрганиш имконияти мавжуд,- дейди ЎзА мухбири билан суҳбатда марказ директори С.Найимов. - Тасарруфимизда икки мингга яқин илмий-бадиий адабиёт бўлиб, уларнинг асосий қисмини Германия, Буюк Британия каби мамлакатлар элчихоналари тақдим этган. Институтимиз Темпус дастури лойиҳаси грантини қўлга киритган эди. Ана шу грант ҳисобига 1 миллион сўмлик китоблар сотиб олдик. Бундан ташқари, хорижлик дўстларимиз чет тилларда сўзлашув малакасини оширишга хизмат қилувчи машғулотлар ёзилган дисклар, журналлар ҳам етказиб бермоқда.

**(ЎзА).**





*Хат йўлга чорлади*

# ҲАНГОМАЛАР

шини, ўтган уч-тўрт йил ичида мактабни бир қатор олий маълумотли, малакали ўқитувчилар тарк этишганини, ҳатто яқинда бу даргоҳда ўтказилган саводхонлик тест синовида 60 фоиз ўқитувчиларнинг ёзма иши «2»га баҳоланганини ҳам улар жуда яхши билишади. Мактабдаги реал воқеликдан кўз юмиш, носоғлом муҳитнинг асл илдизини аниқламасдан унга юзаки баҳо бериш етмаганидек, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилиши меҳнат қонунлари бузилишига олиб келмоқда.

Аслида мактабда ёз-ёз, текшир-текширни 1997 йилда мактаб директори бўлган Э.Тожиев, мактаб илмий бўлим мудири А.Холмуродов, касаба уюшма қўмитаси раиси Ж.Юзбоевлар эмас, айнан ҳозир мактаб директори ўринбосари бўлиб ишлаётган Ҳусниддин Камолов бошлаб берган. Унинг вилоят халқ таълими бошқармаси ва телевидениега ёзган шикоятлари асоссиз деб топилган. Шунингдек, мактабнинг руҳшунос ўқитувчиси Сабоҳат Суннатованинг юқори ташкилотларга ёзган шикоятлари ҳақиқатдан йироқ бўлсада, мактабнинг тинч ҳаётини издан чиқарган. Ҳатто иш шу даражагача бориб етганки, С.Суннатованинг шикояти асосида туман ҳокимлигининг 1997 йил 26 декабрдаги 430-К рақамли қарори билан мактаб директори Э.Тожиев эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топилиб, туман ХТБ буйруғига асосан ишдан бўшатилган. Бироқ орадан кўп ўтмай Пайариқ туман судининг 1998 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори билан у ўз вазифасига қайта тикланган. Энди Пайариқ туман прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос Ф.Жумаевнинг Э.Тожиев номига ёзган мана бу хатига эътибор беринг: «Шикоят аризасида Сиз, илмий бўлим мудири А.Холмуродов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Ж.Юзбоевлар томонидан мактабга тегишли бўлган маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиш ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини ҳисобга олиб 2000 йил 20 июн куни Пайариқ тумани ИИБ тергов гуруҳи терговчиси Х.Холиқов томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми ва 333-моддалари билан жиноят иши қўзғатишлик рад қилинганини маълум қиламан».

Бундан чиқди асоссиз шикоятбозлик билан шуғулланганлари учун Ҳ.Камолов, С.Суннатова, А.Ҳимматовларни ҳам жазолаш керак экан-да. Қолаверса, С.Суннатова мактаб маъмурияти устидан шикоятбозликни ҳозиргача тўхтатган эмас. Мактабда давом этиб келаётган жанжалу тўполонларнинг анчагинаси ана шу ўқитувчи аёл номи билан боғланган.

Аслида шу йилнинг 13 феврал куни педагоглар кенгашидаги можаро ҳам шу опамизнинг Ҳидоят Сартоевага «сен кутубхоначиликдан кетгансан, йиғилишга кирмайсан» деб қилган хатти-ҳаракатидан бошланган. М.Норқуловнинг у бичиш-тикиш бўйича тўгарак раҳбари этиб тайинлангани ҳақидаги изоҳидан сўнггина йиғилишга қўйилган. Кун тартибидаги масала юзасидан фикрлар айри чиққач, жанжал аланга олиб мактаб ўқитувчилари С.Суннатова, А.Ҳимматовлар тўгарак раҳбари Ҳ.Сартоева, математика фани ўқитувчиси Д.Примова, чет тили ўқитувчиси А.Холмуродовларни ҳақоратлагач, улар мажлис залини тарк этишга мажбур бўлишган. Ҳақоратланганлик ҳақида мактаб маъмуриятига ёзган шикоятлари кўриб чиқилмагач, улар туман ИИБга мурожаат қилишган. Бу эса охир-оқибат шикоятчи ва гувоҳларнинг мактаб билан батамом хайрлашишларига олиб келди.

Самарқанд вилоят фуқоралик ишлари бўйича судининг шу йил 16 апрелдаги ҳал қилув қарорида ҳам Пайариқ туман судининг қарори тўғри малакаланган, деб топилди. Шундан бери орадан олти ойдан ортиқ вақт ўтганига қарамай «айбдорлар»га на ишдан бўшатилгани ҳақида буйруқ нусхаси беришди, на улар билан ишлаган даври учун ҳисоб-китоб қилишди. Туман ХТБ бу ғалвани мактаб маъмуриятига, маъмурият эса ХТБга юклашдан чарчамаяпти. Бир шикоят жабрини тортаётганлар эса бошқа ўқув даргоҳларига ишга жойлашиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилмоқда. Дарвоқе, текшириш жараёнида мактаб директори М.Норқулов шартнома ғайриқонуний бекор қилинганини, уларни аввалги иш жойларига тиклашга розилигини билдирди. Лекин «айбдорлар» яна ўжарлик қилиб, то ҳақ жойига қарор топмагунча мактабга қайтмасликни маъқул кўришди.

Ҳайратланарлиси шуки, масалага мухбирлар аралашуви туман ҳокимига ҳуш келмади. Бизни носоғлом вазиятни вужудга келтирганларга ён босишда айблашга ҳам уринишди. Хулоса шуки, ким ҳақ, ким ноҳақ, эканлиги тўғрисидаги масалага мутасаддилар ойдинлик киритишлари лозим.

**Ялғош САРИЕВ,**
**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ҚИТЪАНИНГ ЎЗ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛАДИ

Мазкур ҳужжатнинг номидан ҳам маълумки, у жуда муҳим ва кенг қамровлидир. Гап шундаки, у Европа қитъасидаги давлатлар тақдирига даҳлдор бўлиб, «Умумевропа конституцияси» деб аталади. Ушбу қонунлар мажмуасининг лойиҳаси куни-кеча эълон қилинди. У Европадаги мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари ва фуқароларнинг мулоқотлари борасидаги масалаларни умуминсоний мезонлар руҳида баҳолашга қаратилган. Шунингдек, унда давлатлараро сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий тамойиллар ҳам замонавий тарзда шарҳланган. «Умумевропа конституцияси» лойиҳаси Франциянинг собиқ президенти, 76 яшар Валери Жискар Дъ-Эстен бошлиқ ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Ушбу қомусий ҳужжат кейинроқ Европа Иттифоқининг олий даражадаги анжуманларида муҳокама этилади ва қабул қилинади.

## «ЛУЛА» МАҚСАДИГА ЭРИШДИ

Илгари хабар берганимиздек, Жанубий Американинг энг йирик давлатларидан бири Бразилияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда собиқ касаба уюшма раҳбари, меҳнаткашлар сўл партияси вакили Луис Инасио Лула да Силва ғалаба қозонди. Халқ орасида «Лула» лақаби билан машҳур бўлган мазкур арбобнинг қатъиятлилиги омад келтирди. У ўз номзодини тўртинчи марта қўйиб, мақсадига эришди. Лула да Силва учун сайловчиларнинг 61 фоиздан кўпроғи овоз берди. Унинг рақиби Хосе Серра эса атига 38 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Ишчидан чиққан 57 яшар сиёсатчи «Лула»ниңг ғалабасини унинг тарафдорлари катта тантана билан нишонладилар.

## КИЕВДАГИ АНЖУМАНДА КЎРИЛАДИ

2003 йилнинг май ойида Украина пойтахти Киев шаҳрида экология стратегиясига бағишланган халқаро конференциянинг ўтказилиши эълон қилинди. Унда МДҲга аъзо 12 давлатнинг иштирок этиши кутилмоқда. 10 йилга мўлжалланган режани амалга ошириш босқичларини тайёрлаш учун Москвада геологик, экологик, сув ва ўрмон заҳираларини ўзлаштириш, атроф-муҳитни сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларини ўрганадиган махсус Марказ таъсис этилди.

## ФУҚАРОЛИК ТИКЛАНАДИ

Эстонияда нохуш кўнгилсизликлар рўй бермоқда. Гап шундаки, республиканинг юзлаб кишилари фуқароликдан маҳрум этилмоқда. Чунки 10 йил муқаддам уларга паспортлар хатоси билан берилган экан. Алқисса, Эстония ҳукумати қонунларга янги тузатишлар киритиш лойиҳаси устида ишлай бошлади. Унга асосан, кўпчилик фуқаролигини сақлаб қолади. Ички ишлар вазири Айн Сеппикнинг айтишича, адолат тикланади.

## ХОРИЖЛИК КУЁВЛАР МАЪҚУЛМИ?

Молдова қизлари хорижлик куёвларни маъқул кўрмоқда. «Талаб ва таклиф» газетасининг Бельци шаҳрида яқинда ўтказган сўровидан сўнг юқоридаги аҳвол маълум бўлди. Хорижлик ошиқларга турмушга чиқишдан мақсад, деб асослашди ўз хатти-ҳаракатларини сўровда қатнашганлар, чет элга кетиш имконияти туғилади. Зотан, ўзга давлатларда яшаш тарзи ва фаровонлик савияси Молдовага нисбатан бир неча бор яхшироқ эмиш.

## СУКУНАТ МАШИНАСИ ЯРАТИЛДИ

Буюк Британиялик олим Сельвин Райт шовқин-суронни босадиган «Сукунат машинаси» («Silenge Mashine»)ни кашф қилди. Мазкур машина компьютер ёрдамида товуш тўлқинларини таҳлил қилади ва лозим даражадаги тинчликни таъминлаб беради. Айни пайтда С.Райтнинг аппаратига қизиқувчи мухлислар тобора кўпайиб бормоқда.

